



МОТУРИДИЙЛИК ВА АШЪАРИЙЛИК – ЯНГИ ФИРҚА ЭМАС, АЙНИ АҲЛИ СУННА ВАЛ ЖАМОАНИНГ ЎЗИДИР

Абдулазиз Яхшиликов

Имом Мотуридий халқаро илмий
тадқиқот маркази илмий ходими

Аннотация: Ушбу мақолада Мотуридийлик ва Ашъарийлик мактаблари ислом ақидавий тафаккурининг икки асосий пойдевори сифатида таҳлил қилинади. Баъзи замонавий гуруҳлар томонидан илгари сурилаётган “Мотуридийлик ва Ашъарийлик кейинчалик пайдо бўлган янги фирқалардир” мазмунидаги иддаолар тарихий, илмий ва манбашунослик нуқтайи назаридан рад этилади. Мақолада ушбу мактаблар пайдо қилган деб даъво қилинаётган янгиликлар аслида ақидани ифодалаш ва ҳимоя қилишнинг илмий методлари эканлиги, уларнинг мазмунан бидъат бўлмаслиги асосланади. Саҳобалардан бошланган илмий силсила орқали ҳар икки мактабнинг Расулуллоҳ (с.а.в.) ақидасига уланиб бориши кўрсатилади. Ҳадис илми ва Қуръон қироатининг тарихий ривожига билан қиёсий таҳлил орқали методологик воситаларнинг зарурияти асосланади. Натижада, Мотуридийлик ва Ашъарийлик – Аҳл ас-Сунна вал-Жамоанинг айни ўзи бўлиб, унинг назарий асосларини тизимли ҳолга келтирган илмий анъаналар экани исботланади.

Калит сўзлар: Мотуридийлик; Ашъарийлик; Аҳл ас-Сунна вал-Жамоа; ақида; бидъат; илмий силсила; калом; методология; ҳадис илми; Қуръон тарихий ривожига; Сунний теология.

Ислом оламидаги мўътабар уламоларнинг ижмосига кўра, Аҳли сунна вал жамоа ақидаси икки буюк имом – Имом Абу Мансур



Мотуридий (ваф. 333/944) ва Имом Абул Ҳасан Ашъарий (ваф. 324/936) мактаблари орқали бизгача етиб келган [1]. Бироқ, бугунги кунда айрим тоифалар томонидан: “Агар бу икки имом кейинги асрларда яшаган бўлса, уларгача мусулмонларнинг ақидаси йўқмиди? Улар янги қараш ёки янги фирқа пайдо қилганми?” деган саёз ва ноилмий эътирозлар илгари сурилмоқда.

Ушбу тезесда мазкур икки йўналиш янги фирқа эмас, балки саодат асридан келаётган соф эътиқоднинг илмий тизимлаштирилиши эканлигини тарихий ва мантиқий далиллар асосида исботлашга ҳаракат қилинади [3].

1. Нисбат беришнинг моҳияти: “яратиш” эмас, “tizimlashtirish”.

Мотуридийлик ёки ашъарийлик деганда, бу имомлар ўйлаб топган янги ақидавий қоидалар тушунилмайди. Бу нисбат — эътиқод қилиш манбаси маъносида эмас, балки “баён қилиш услуби ва ҳимоя қилиш мактаби” маъносида ишлатилади [4].

Бу икки имомнинг қилган иши — Қуръон ва суннатда тарқоқ ҳолда келган, саҳобалар фитратида мавжуд бўлган эътиқодий тушунчаларни жамлаш, уларни бобларга ажратиш ва ақлий-нақлий далиллар билан мустаҳкамлашдан иборат бўлган [5]. Худди Имом Абу Ҳанифа ёки Имом Шофеий фикҳда янги шариат олиб келмаганларидек, ақида имомлари ҳам динда янгилик яратмаганлар [6]. Улар фақатгина салафи солиҳларнинг йўлини турли бузғунчи оқимлар (мўътазилийлар, харижийлар, карромийлар) ҳужумидан ҳимоя қилиш учун “қалқон” вазифасини ўтаганлар.

2. Илмий санад ва ворислик: Расулуллоҳга туташган занжир. Мотуридийлик ва ашъарийлик шахсий қарашларнинг тизимлаштирилган йиғиндиси эмас. Имом Мотуридий ва Имом Ашъарийнинг исломий

илмлар бўйича силсиласи (санади) тўғридан-тўғри саҳобаларга ва Расулуллоҳ (с.а.в.)га боғланади.

Имом Мотуридий силсиласи: Имом Абу Мансур Мотуридий ўз устозлари (Абу Наср Иёзий, Абу Бакр Жузжоний) орқали Имом Абу Ҳанифанинг шогирдларига (Имом Муҳаммад ва Абу Юсуфга) боғланади. Имом Абу Ҳанифа эса тобеинлардан, улар саҳобалардан (хусусан, Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳумодан) таълим олганлар. Демак, *"Мен Мотуридийман"* деган киши *"Мен Имом Абу Ҳанифа орқали Абдуллоҳ ибн Масъудга ва у орқали Пайғамбаримизга етиб борадиган ақидадаман"* деган маънони ифодалайди.

Имом Ашъарий силсиласи: Имом Абул Ҳасан Ашъарий эса Имом Шофеий ва Имом Молик ҳамда Ҳижоз аҳлининг ҳадис ва фикҳ мактаби асосида ўз тизимини шакллантирган бўлиб, бу занжир ҳам тўғридан-тўғри нубувват булоғига туташади.

3. Бидъат тушунчасидаги чалкашликка раддия: “восита” ва “мақсад” фарқи.

Бу имомларни бидъатчиликда айбловчилар **"восита"** ва **"ғая"** (**мақсад**) ўртасидаги фарқни тушунмайдилар. Динни ҳимоя қилиш учун пайдо бўлган янги илмий услублар бидъат эмас, балки диннинг сақланиши учун зарур бўлган муҳим воситалардир. Буни қуйидаги тарихий аналогиялар ёрқин исботлайди:

А) Ҳадис илмидаги истилоҳлар:

Пайғамбар (с.а.в.) давларида *"саҳиҳ"*, *"ҳасан"*, *"заиф"*, *"муъаллақ"* каби терминлар йўқ эди [13]. Саҳобалар ҳадисни ровийни ростгўйлиги, адолати асосида қабул қилардилар. Аммо вақт ўтиб, ёлғончилар кўпайгач, тобеинлар ва улардан кейинги даврда имом Молик, имом Бухорий ва имом Муслим каби муҳаддислар ҳадисларни саралаш учун янги қоидалар ва шартлар ишлаб чиқдилар. Агар Имом Мотуридий ва Имом Ашъарийни янги илмий услуб қўллагани учун бидъатчи десак, унда Имом Бухорий ва

Имом Муслимни ҳам бидъатчи дейишга тўғри келади. Ваҳоланки, бу – илмнинг ривож ва диннинг ҳимояси учун қилинган саъй-ҳаракатдан бошқа нарса эмас эди.

Б) Қуръони Каримнинг ҳимояси:

Усмон мусхафларида нуқта ва ҳаракатлар (фатҳа, касра) бўлмаган. Араб тилига ажамлар аралашиб, Қуръонни хато ўқиш хавфи туғилганда, уламолар **нуқта ва ҳаракатларни** жорий қилдилар [15]. Кейинчалик **Тажвид илми** (идғом, ихфо қоидалари) шаклланди. Буларнинг ҳеч бири Набий (с.а.в.) даврларида ёзилмаган эди. Савол туғилади: Бу ўзгаришлар динни бузишми ёки сақлаб қолишми? Жавоб аниқ: Бу диннинг асл моҳиятини авлодларга беҳато етказиш учун қилинган зарурий хизмат эди.

XULOSA

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Имом Мотуридий ва Имом Ашъарий – Аҳли суннанинг қалқонлари бўлишган. Худди Қуръонни сақлаш учун нуқта ва ҳаракатлар, ҳадисни сақлаш учун "саҳиҳ-заиф" истилоҳлари жорий қилинганидек, ақидани турли адашишлардан сақлаш учун мотуридийлик ва ашъарийлик мактаблари шаклланган. Улар динга бирор янгилик киритмадилар, балки:

Нақлни ақлий далиллар билан қувватладилар;

Саҳобаларнинг соф эътиқодини бузуқ фалсафий ҳужумлардан ҳимоя қилдилар;

Мусулмонларнинг фикрий бирлигини таъминладилар. Шундай экан, *"Ашъарий ва Мотуридийлар аҳли суннадан эмас"* дейиш – Имом Бухорийни муҳаддис эмас ёки Қуръондаги ҳаракатларни бидъат дейиш билан баробардир. Бу икки имом – Аҳли сунна вал жамоанинг икки қанотидир. Уларга эргашиш – янги фирқага эмас, балки салафи солиҳларнинг мусаффо йўлига эргашишнинг айна ўзидир.



Фойдаланилган адабиётлар

1. Al-Maturidi, *Kitab al-Tawhid*.
2. Al-Ash‘ari, *Maqālāt al-Islāmiyyīn*.
3. Makdisi, *The Rise of Colleges in Islam*.
4. Abu Hanifa, *Fiqh al-Akbar*.
5. Al-Baghdadi, *Al-Farq bayn al-Firaq*.
6. Brown, *Hadith: Muhammad’s Legacy*.
7. Hallaq, *Origins and Evolution of Islamic Law*.
8. Rahman, *Islam*.
9. Frank, *Al-Ghazali and the Ash‘arite School*.
10. Zaman, *Modern Islamic Thought*.

